

УДК: 657.1

Мухаммадиев Заррух Умарович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти, PhD

КОРХОНАЛАРДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КАПИТАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРГА ОИД ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ, УЛАРНИ ТАН ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ

Аннотация. Ушбу мақолада корхонада қурилиш ишлари бўйича капитал инвестицияларнинг маҳмун-моҳияти, ушбу жараёнларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг амалдаги ҳолати, қурилиш жараёнлари бўйича капитал инвестицияларни амалга оширишда бевосита ва билвосита харажатларнинг таъсири, умумишлаб чиқариш харажатларининг қурилиш жараёнларига таъсирини аниқлаш, ушбу харажатларни қурилиш ишлари бўйича капитал инвестицияларга олиб бориш орқали кўчмас мулк-объектларининг бошланғич қийматларини аниқлаш, халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда ушбу жараёнларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботда акс эттириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: капитал инвестициялар ҳисоби, қурилиш ишлари бўйича капитал инвестициялар ҳисоби, бевосита харажатлар, билвосита харажатлар, умумишлаб чиқариш харажатлари, режали баҳо, ҳақиқий таннарх, кўчмас мулк, яшил майдон объектлари, капитал инвестицияларни молиялаштириш манбалари.

УЧЕТ ЗАТРАТ КАПИТАЛЬНЫХ ВЛОЖЕНИЙ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ РАБОТЫ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ, ИХ ПРИЗНАНИЕ И ОЦЕНКА

Мухаммадиев Заррух Умарович

докторант Самаркандского института экономики и сервиса, PhD

Аннотация. В данной статье рассмотрены сущность капитальных вложений на строительные работы на предприятии, современное состояние учета этих процессов, влияние прямых и косвенных затрат при осуществлении капитальных вложений на строительные процессы, определение влияния общепроизводственных затрат на строительных процессов, приведения этих затрат к капитальным вложениям на строительные работы, освещены вопросы определения первоначальной стоимости объектов недвижимости, отражения этих процессов в бухгалтерском учете и отчетности в соответствии с международными стандартами.

Ключевые слова: учет капитальных вложений, учет капитальных вложений в строительстве, прямые затраты, косвенные затраты, общие производственные затраты, плановая себестоимость, фактическая себестоимость, недвижимость, зелёные объекты, источники финансирования капитальных вложений.

ACCOUNTING OF COSTS OF CAPITAL INVESTMENTS MADE FOR CONSTRUCTION WORK IN ENTERPRISES, THEIR RECOGNITION AND EVALUATION

Mukhammadiev Zarrukh Umarovich

DSc student, Samarkand Institute of Service and Economics, PhD

Abstract. In this article, the essence of capital investments for construction works in the enterprise, the current state of accounting for these processes, the impact of direct and indirect costs in the implementation of capital investments for construction processes, determining the impact of general production costs on construction processes, bringing these costs to capital

investments for construction works the issues of determining the initial values of real estate objects, reflecting these processes in accounting and reporting in accordance with international standards are covered.

Keywords: capital investment accounting, construction capital investment accounting, direct costs, indirect costs, total production costs, planned cost, actual cost, real estate, greenfield facilities, capital investment financing sources.

Кириш.

Бугунги яшил иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб боришмоқда. Хоссатан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган бўлиб, унда “мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш, трансчегаравий гармсел шамоллари ва чанг-кум бўронларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирларининг олдини олиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда”[1]. Шунингдек, Республикаимизда барча соҳалар каби қурилиш тармоғига ҳам алоҳида эътибор қаритилиб, ушбу тармокни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар олиб боришмоқда. Хоссатан, мамлакатимизда қурилиш соҳасини инновацион ривожлантириш, модернизациялаш, ушбу тармокда замонавий ва рақамли ахборот-коммуникация технологияларини кенг тадбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”[2]ги Фармони қабул қилинган бўлиб, мамлакатда қурилиш ишларини сифатли амалга ошириш, қурилиш корхоналари фаолиятини инновацион ривожлантириш, рақамлаштириш, рақамли технологияларни киритиш каби жараёнлар ушбу норматив-ҳужжатда белгиланган асосий вазифалар бўлиб ҳисобланади. Қолаверса, мазкур Президент Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”[3]ги қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу норматив-ҳукукий ҳужжатда қурилиш ишларини ташкил этиш, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ёки қайта қуриш жараёнларига рухсатномалар олиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қурилиш ишлари тугаган бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш билан боғлиқ бўлган барча тартиб-қоидалар келтирилган.

Юқорида ишлаб чиқилган норматив-ҳукукий ҳужжатлар мамлакатимизда қурилиш соҳасига берилаётган эътибордан, қурилиш тармоқлари корхоналари фаолиятини модернизациялаш, рақамлаштириш, инновацион ривожлантиришга, шунингдек ушбу тармок корхоналарига инвестицияларни киритишга қаратилган иқтисодий сиёсатдан далолатдир. Бу эса, рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида корхоналарда қурилиш ишлари, хоссатан яшил майдон объектларига капитал инвестицияларни киритиш, ушбу жараёнларни тўғри ташкил этиш, уларнинг бухгалтерия ҳисобини тизимли юритиш ҳамда уларнинг натижаларини халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисоботда акс эттириш каби долзарб вазифаларни келтириб чиқармоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Халқаро ҳисоб таълимотида капитал инвестициялар ҳисобини юритиш, уларни тан олиш, баҳолашга доир алоҳида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ишлаб чиқилмаган. Шундай бўлсада, 16-сон “Асосий воситалар” БҲХСда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати сифатида тан олинган харажатлар таркиби, уларни баҳолаш масалалари келтирилган. Бу эса, бевосита корхоналарда асосий воситалар бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар ҳисобини юритиш, уларни тан олиш ва баҳолаш учун асос бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, корхоналарда инвестициявий мулк, номоддий активлар, биологик активлар бўйича амалга оширилган капитал инвестицияларга доир доир тартиб-қоидалар, уларни тан олиш ва баҳолашга доир кўрсатмалар 40-сон “Инвестициявий

кўчмас мулки” БҲХС, 38-сон “Номоддий активлар” БҲХС, 41-сон “Биологик активлар” БҲХС каби халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ёритиб берилган.

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган 23-сон “Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш” БҲМСда корхоналарни қайта ташкил этишда активларни баҳолашнинг қуйидаги усуллари келтирилган: “харид қилиш таннархи бўйича; бошланғич қиймати бўйича; қолдиқ қиймати бўйича; қайта тикланиш қиймати бўйича; номинал қиймати бўйича; ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий тўла таннархи бўйича; бевосита харажатларга кўра ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархи бўйича; режали, меъёрий таннархи бўйича; бозор баҳоси бўйича”[5]. Шунингдек, мазкур стандартда юридик шахсларни қайта ташкил этишда активларни баҳолашга оид тартиб-қоидалар келтирилган бўлиб, унда асосий воситалар, номоддий активлар каби активлар бозор қиймати, ҳақиқий қиймат ва қолдиқ қийматлари бўйича баҳоланиши келтирилган бўлиб, капитал инвестициялар қиймати бозор ва ҳақиқий қиймат бўйича баҳоланиши назарда тутилган.

Халқаро ҳисоб таълимотида корхоналарда қурилиш бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар ҳисоби 16-сон “Асосий воситалар” БҲХС ҳамда 40-сон “Инвестициявий кўчмас мулки” БҲХСга мувофиқ амалга оширилиб, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилади. Мазкур халқаро стандартларда қуйидагича таъриф келтирилган: “Бошланғич қиймат – активни харид қилиш ёки қурилиши пайтида уни харид қилиш учун тўланган пул маблағлари ёки пул маблағларининг эквивалентлари ёки бошқа товоннинг ҳаққоний қиймати ёки қўллаш мумкин бўлган ҳолларда, бошқа МҲХСларнинг, масалан 2-сон МҲХС “Акцияга асосланган тўлов”нинг, муайян талабларига мувофиқ мазкур активни дастлабки тан олинимида унга киритиладиган суммадир”[6]. Ушбу таърифдан тушуниш мумкинки, корхонада активлар нафақат сотиб олиш йўли, балки уларни қуриш йўли билан ҳам кирим қилинади ва бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирилади. Бундай жараёнларга қурилиш жараёнлари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган капитал инвестицияларни киритиш мумкин. Тадқиқотлар давомида корхонада рўй берган қурилиш ишлари жараёнларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, ушбу капитал инвестициялар жараёнлари натижасида амалга оширилган харажатларни уларнинг таннархига олиб бориш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бордик.

Бугунги кунда, капитал қурилиш ҳисобини юритиш бўйича ишлаб чиқилган 17-сон “Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари” БҲМС ўз кучини йўқотган. Мамлакатимизда ишлаб чиқилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “тугалланмаган қурилиш – қурилиш тугалланмаган объектда сарфланган амалдаги харажатлар”[4], деб келтирилган. Мазкур таърифдан кўриш мумкинки, қурилиш жараёнлари бўйича амалга оширилган барча харажатлар ушбу йўналишдаги капитал инвестициялар таннархига олиб борилади.

Тадқиқот методологияси.

Корхоналарда қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган капитал инвестицияларга оид харажатлар ҳисоби, уларни тан олиш ва баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тадқиқотлар давомида аниқ бўлдики, корхонада ўз кучи билан амалга оширилган қурилиш бўйича капитал инвестициялар таннархига харажатларини олиб бориш тартиби икки хил усулда амалга оширилади. Булар:

- * тўғридан-тўғри, яъни бевосита усул орқали олиб бориш;
- * билвосита усул орқали олиб бориш.

Корхонада ўз кучи билан амалга ошириладиган қурилиш жараёнларига бевосита қатнашадиган харажатларга материаллар, қурилиш жараёнида банд бўлган ходимларга ҳисобланган ҳисобланган иш ҳақи ва улар бўйича мажбурий ажратмалар (ижтимоий солиқ), кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича тўловлар кириб, ушбу харажатлар тўғридан-тўғри бионинг таннархига олиб борилади.

Корхона қурилишида яна шундай харажатлар ҳам қатнашадики, улар тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита жараёнга иштирок этади. Бундай харажатларга умумишлаб

чиқариш харажатларини киритиш мумкин. Корхонада умумишлаб чиқариш харажатларига асбоб-ускуналарни сақлаш, бутлигини таъминлаш, кўчмас мулк объектларини иситиш, совутиш, ёритиш, таъмирлаш, меҳнат ҳақи ва улар бўйича мажбурий тўловлар, амортизация каби харажатлар акс эттирилади.

Даставвал, корхоналарда амалга ошириладиган умумишлаб чиқариш харажатлари таркиби ва ушбу харажатларнинг улушини таҳлил қилиб чиқамиз (1-жадвал):

1-жадвал:

“Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖда умумишлаб чиқариш харажатлари таҳлили¹

№	Умумишлаб чиқариш харажатлари таркиби	Суммаси	Улуши, %да
I	Амортизация харажатлари, шундан:	84 540 300	47,4
1	Асосий воситалар амортизацияси шаклидаги харажатлар	84 540 300	47,4
II	Меҳнат ҳақи бўйича харажатлар, шундан:	32 088 000	18,0
2	Иш ҳақи	28 650 000	16,1
3	Иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ	3 438 000	1,9
III	Коммунал харажатлари, шундан:	38 616 050	21,7
4	Электро-энергия тўловлари бўйича харажатлар	24 561 100	13,8
5	Табиий газ тўловлари бўйича харажатлар	8 309 500	4,7
6	Сув ва оқова тўловлари бўйича харажатлар	4 895 450	2,7
7	Чиқинди ташиш тўловлари бўйича харажатлар	850 000	0,5
IV	Бошқа харажатлар, шундан:	23 000 000	12,9
8	Ижара тўловлари бўйича харажатлар	23 000 000	12,9
	Жами	178 244 350	100

Корхонанинг амалий маълумотлари асосида ишлаб чиқилган ушбу жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида кўриш мумкинки, умумишлаб чиқариш харажатлари таркибида асосий воситалар амортизацияси бўйича харажатлар, иш ҳақи, коммунал тўловлари бўйича харажатлар бошқа харажат моддаларига нисбатан кўпроқ амалга оширилган.

Корхонада амалга оширилган бу каби билвосита харажатлар бухгалтерия ҳисобида 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счёти бўйича ҳисобда акс эттирилиб, ой охирида ушбу даврда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот таннархига олиб борилган. Бироқ, ушбу билвосита харажатлар ҳисобот ойида корхона томонидан амалга оширилган қурилиш жараёнлари бўйича капитал инвестицияларга ҳам таъсири мавжуд бўлиб, иқтисодий адабиётларда, хоссатан 21-сон “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” БҲМСда умумишлаб чиқариш харажатларини корхонада амалга оширилган қурилиш жараёнларига олиб боришнинг услубий тартиб-қоидалари бугунги кунга қадар очиқ қолмоқда.

Зотан, мамлакатимиз олимлари Б.Боронов[10], Д.Ташназаровалар[11] томонидан умумишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот таннархига олиб бориш бўйича илмий ишлар амалга оширилган бўлсада, бироқ уларнинг ишларида умумишлаб чиқариш харажатларини тайёр маҳсулотлар таннархига олиб боришнинг услубий тартиб-қоидалари ёритилган бўлиб, корхонада айнан ўша даврда амалга оширилган қурилиш жараёнлари бўйича амалга оширилган капитал инвестицияларга таъсири тадқиқ этилмаган. Бу эса, қурилиш жараёнларига доир капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш, хоссатан

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

ҳисобот ойда амалга оширилган умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисмини ушбу даврда қурилатган бинонинг таннархига олиб боришнинг услубий жиҳатлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришни вазифа қилиб юклайди. Шу боис, ушбу тадқиқот ишимизда халқаро ва миллий ҳисоб таълимотида мавжуд бўлган бу каби муаммоларни тадқиқ этиш, қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар ҳисоби, уларни баҳолаш ҳамда умумишлаб чиқариш харажатларини корхонада ўз кучи билан қурилган янги бинонинг таннархига олиб бориш, уларни корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттиришга доир илмий-услубий таклифлар ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришни лозим, деб ҳисобладик.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг маҳсулот таннархига олиб боришнинг корхона томонидан танланган усули корхона томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши лозим. Лекин, бугунги кунда, ҳисоб олдида яна шундай муаммо мавжудки, умумишлаб чиқариш харажатларини нафақат ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархига, балки ушбу даврда ўз кучи билан қурилган бинонинг ҳам таннархига олиб бориш усули амалиёти мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, ушбу масалалар корхона ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда, албатта, ҳисобга олиниши зарур бўлиб, ушбу жараёнлар эса, ўз навбатида, солиқ объекти ҳам ҳисобланиб, корхонанинг бевосита солиқ ва молиявий ҳисобига таъсир кўрсатади.

Тадқиқот давомида корхоналарда ўз кучи билан амалга оширилган қурилиш жараёнлари ва ушбу жараёнларга оид харажатларни ҳисобда акс эттириш бўйича илмий изланишлар олиб борилди. Хоссатан, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи “Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖда капитал инвестицияларнинг ушбу йўналишига оид рўй берган асосий жараёнлар бўйича харажатлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини куйида келтирилган жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз (2-жадвал):

2-жадвал

“Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖда ўз кучи билан амалга оширилган қурилиш ишлари бўйича моддий харажатлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши¹

№	Хўжалик жараёнлари	Дебет	Кредит	Сумма
1	Қурилиш ишларига 50 минг дона “Пишиқ ғишт” қурилиш материали сарфланди	0810	1050	60 000 000
2	Қурилиш ишларига 50 дона “Анkil бенс” қурилиш материали сарфланди	0810	1050	70 000 000
3	Қурилиш ишларига 236 та “Плита ПКЖ 3х6” қурилиш материали сарфланди	0810	1050	224 200 000
4	Қурилиш ишларига 55 878 кг “Цемент” қурилиш материали сарфланди	0810	1050	35 930 000
5	Қурилиш ишларига 4 тонна “Арматура 14 мм” қурилиш материали сарфланди	0810	1050	36 000 000
6	Қурилиш ишларига 56 дона “Балка 12 м” қурилиш материали сарфланди	0810	1050	78 400 000
7	Қурилиш ишларига 2 500 м “Внутренний сетка бетон сим” қурилиш материали сарфланди	0810	1050	53 991 000
8	Қурилиш ишларига 200 дона “Гидроизол” қурилиш материали сарфланди	0810	1050	5 100 000
9	Қурилиш ишларига 20 та машина “Қизил кум” қурилиш материали сарфланди	0810	1050	20 000 000
10	Қурилиш ишларига 10 та машина “Қора кум” қурилиш материали сарфланди	0810	1050	12 000 000

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

11	Қурилиш ишларига бошқа турдаги қурилиш материаллари сарфланди	0810	1050	1 100 000 000
	Қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган жами моддий харажатлар			1 695 621 000

Тадқиқот давомида корхонада ўз кучи билан амалга оширилган қурилиш ишлари бўйича меҳнат ҳақи харажатлари ҳамда уларни ҳисобда акс эттириш масалаларини тадқиқ этдик: (3-жадвал):

3-жадвал

“Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖда ўз кучи билан амалга оширилган қурилиш ишлари бўйича меҳнат ҳақи харажатлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши¹

1	Қурилиш ишларига банд бўлган ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи	0810	6710	620 000 000
2	Қурилиш ишларига банд бўлган катта уста (мастер)га ҳисобланган иш ҳақи	0810	6710	84 400 000
3	Қурилиш ишларига банд бўлган назоратчига ҳисобланган иш ҳақи	0810	6710	32 000 000
4	Қурилиш ишларига банд бўлган бош муҳандисга ҳисобланган иш ҳақи	0810	6710	41 600 000
5	Қурилиш ишларига банд бўлган қурилиш монтажчига ҳисобланган иш ҳақи	0810	6710	22 500 000
6	Қурилиш ишларига банд бўлган бўёкчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи	0810	6710	92 800 000
7	Қурилиш ишларига банд бўлган бошқа ходимларга ҳисобланган иш ҳақи	0810	6710	28 000 000
8	Қурилиш ишларига банд бўлган барча ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича ижтимоий солиқ	0810	6510	110 556 000
	Қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган меҳнат ҳақи бўйича жами харажатлар			1 031 856 000

Шунингдек, мазкур ишлаб чиқариш корхонасида ўз кучи билан амалга оширилган қурилиш ишлари бўйича бошқа кўринишдаги харажатларнинг бухгалтерия ҳисобда акс эттириш масалалари ҳам тадқиқ этилди: (4-жадвал):

4-жадвал

“Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖда ўз кучи билан амалга оширилган қурилиш ишлари бўйича бошқа кўринишдаги харажатлар ва уларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши²

1	Қурилиш ишларини лойиҳалаш-дизайн бўйича амалга оширилган харажатлар	0810	6990	33 500 000
2	Қурилиш-монтаж ишларига берилган асбоб-ускуналар қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	0810	0710	46 500 000
3	Қурилиш ишлари якунлангандан кейин кадастр ҳужжатлари бўйича амалга оширилган харажатлар	0810	6990	16 700 000
4	Қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича бошқа харажатлар	0810	6990	15 800 000
	Қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган бошқа кўринишдаги жами харажатлар			112 500 000

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

	Жами қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган харажатлар			2 839 977 000
--	---	--	--	--------------------------

Ушбу жадваллар маълумотларидан кўриш мумкинки, корхоналарда ўз кучи билан амалга оширилган капитал қурилиш жараёнларига қурилиш материаллари, ишчи ҳамда қурилишда иштирок этадиган бошқа ходимларнинг иш ҳақи ва улар бўйича ижтимоий солиқлар, қурилиш ишларининг амалга оширилиши бўйича ҳужжатлар тўплами, қурилиш-монтаж ишларига фойдаланиш учун топширилган асбоб-ускуналар қиймати каби харажатлар киради. Бундай харажатлар бухгалтерия ҳисобида капитал қурилишда иштирок этган бевосита харажатлар сифатида тан олинади.

Юқорида таъкидланганидек, қурилиш жараёнида бевосита харажатлардан ташқари билвосита харажатлар қатнашади. Бироқ, бутунги кунда, ишлаб чиқилган халқаро ва миллий йўриқномаларда ушбу харажатларни қурилиш объектлари таннархига олиб боришнинг услубий тартиб-қоидалари мавжуд эмас. Тадқиқот давомида ўрганилган корхоналар томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатида фақатгина, умумишлаб чиқариш харажатларини тайёр маҳсулотларга турли усуллар орқали тақсимлаш йўллари кўрсатилган бўлиб, ушбу харажатларнинг қурилиш жараёнларига таъсири, харажатларни тақсимлаш масалалари аниқ белгиланмаган. Шу боис, мазкур тадқиқот ишимизда умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобот ойида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳамда қурилиш жараёнларига олиб боришнинг энг оптимал усулларини аниқлаш, уларни корхоналар амалиёти қўллаш ҳамда корхоналар ҳисоб сиёсатида ёритиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқдик.

Корхоналар томонидан амалга ошириладиган ушбу умумишлаб чиқариш харажатларининг корхона активлари таннархига таъсирини қуйидаги расм орқали ифодаладик (1-расм):



1-расм. Умумишлаб чиқариш харажатларининг корхона жараёнларига таъсири¹

Ушбу расмда ёритилган маълумотлардан кўриш мумкинки, умумишлаб чиқариш харажатлари нафақат ишлаб чиқариш бўлимларида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархига, балки корхонада ушбу даврда амалга оширилган қурилиш жараёнларига ҳам таъсир қилиб, қурилишда бўлган объектларнинг бошланғич қийматига олиб борилади.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот ишлари давомида, умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш усуллари корхонада қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган капитал инвестицияларга таъсирини корхоналарнинг амалий мисоллари орқали тадқиқ этиб чиқдик.

“Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖ зангламайдиган пўлатдан ошхона жиҳозлари, музлатгичлар, мебеллар каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади. Корхонада ушбу фаолиятни амалга ошириш билан бир вақтда 2023 йил октябрь ойида ўз кучи билан қурилиш ишлари ҳам олиб борилган. Корхонага капитал қурилишни амалга ошириш мақсадида банкдан жами 3 миллиард сўм миқдорида банк кредити олинган бўлиб, кредит фоиз ставкаси 14%ни ташкил этади. Қурилиш жараёнлари бўйича капитал инвестициялар иккита объект бўйича амалга оширилган:

1. Яшил майдон объектларига киритилган капитал инвестициялар, режалли баҳоси – 3 396 640 000 сўм.

2. Мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилишга киритилган капитал инвестициялар, режалли баҳоси – 1 603 360 000 сўм.

Мазкур ойда корхонанинг барча ишлаб чиқариш бўлимлари томонидан жами ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг режалли баҳоси – 980 638 997 сўм. Шундан:

1. Ошхона жиҳозлари ишлаб чиқариш цехида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг режалли баҳоси – 446 802 300 сўм.

2. Музлатгич ишлаб чиқариш цехида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг режалли баҳоси – 409 957 611 сўм.

3. Мебел ишлаб чиқариш цехида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг режалли баҳоси – 123 879 086 сўм.

Юқоридаги жараёнларни амалга ошириш натижасида 2023 йил октябрь ойи охирида қилинган ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги харажатлар амалга оширилганлиги маълум бўлди:

1. Ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича амалга оширилган моддий харажатлар – 782 666 000 сўм. Шундан: ошхона жиҳозлари ишлаб чиқариш жараёнига – 370 844 000 сўм, музлатгич ишлаб чиқариш жараёнига – 269 391 000 сўм, мебел ишлаб чиқариш жараёнига – 142 431 000 сўм.

2. Ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича амалга оширилган меҳнат ҳақи бўйича жами харажатлар – 85 918 000 сўм. Шундан: ошхона жиҳозлари ишлаб чиқариш жараёнига – 46 659 000 сўм, музлатгич ишлаб чиқариш жараёнига – 28 238 000 сўм, мебел ишлаб чиқариш жараёнига – 11 021 000 сўм.

3. Ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича амалга оширилган амортизация кўринишидаги жами харажатлар – 72 121 000 сўм. Шундан: ошхона жиҳозлари ишлаб чиқариш жараёнига – 32 481 000 сўм, музлатгич ишлаб чиқариш жараёнига – 31 993 000 сўм, мебел ишлаб чиқариш жараёнига – 7 647 000 сўм.

4. Ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича амалга оширилган бошқа кўринишидаги жами харажатлар – 20 864 000 сўм. Шундан: ошхона жиҳозлари ишлаб чиқариш жараёнига – 8 559 000 сўм, музлатгич ишлаб чиқариш жараёнига – 7 304 000 сўм, мебел ишлаб чиқариш жараёнига – 5 001 000 сўм.

5. Қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган моддий харажатлар – 1 695 621 000 сўм. Шундан: яшил майдон объектларига киритилган капитал инвестицияларга – 1 284 380 000 сўм, мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилишга киритилган капитал инвестицияларга – 411 241 000 сўм.


6. Қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган меҳнат ҳақи бўйича жами харажатлар – 1 031 856 000 сўм. Шундан: яшил майдон объектларига киритилган капитал инвестицияларга – 782 110 000 сўм, мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилишга киритилган капитал инвестицияларга – 249 746 000 сўм.

7. Қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган бошқа кўринишидаги жами харажатлар – 112 500 000 сўм. Шундан: яшил майдон объектларига киритилган капитал

инвестицияларга – 79 623 000 сўм, мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилишга киритилган капитал инвестицияларга – 32 877 000 сўм.

8. Умумишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган жами харажатлар – 178 244 350 сўм.

Даставвал, юқоридаги тадқиқот йўналиши бўйича, “Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖ томонидан амалга оширилган умумишлаб чиқариш харажатларининг ишлаб чиқариш ва қурилиш жараёнларига таъсирини қуйидаги расм орқали ифодаладик (2-расм):



2-расм. “Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖда умумишлаб чиқариш харажатларининг корхона жараёнларига таъсири¹

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган мазкур умумишлаб чиқариш харажатларининг корхонада амалга оширилган ишлаб чиқариш ва қурилиш жараёнларига таъсирини юқорида тадқиқот натижалари бўйича келтирилган корхонанинг амалий мисоллари орқали янада кенгроқ ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Корхонада олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, музлатгич ишлаб чиқариш жараёнларига амортизация харажатлари бошқа ишлаб чиқариш цехларига нисбатан кўпроқ амалга оширилган. Бунга сабаб, ушбу ишлаб чиқариш цехи тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, барча асбоб-ускуналар хорижий мамлакатлардан импорт қилинган ва уларнинг нархи ҳам салмоқлидир. Мебел ишлаб чиқариш цехида эса, асосан қўл меҳнати талаб қилиниб, асосий воситалар деярли фойдаланилмайди. Шунинг учун, мебел цехида меҳнат ҳақи бўйича амалга оширилган харажатлар бошқа ишлаб чиқариш цехларига нисбатан баландроқдир.

Корхонада октябрь ойида ишлаб чиқариш ва қурилиш жараёнлари бўйича амалга оширилган бевосита харажатларни қуйидаги жадвал орқали ифодалаймиз (5-жадвал):

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

5-жадвал

“Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖда октябрь ойида ишлаб чиқариш ва қурилиш жараёнлари бўйича амалга оширилган бевосита харажатлар¹

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар	Моддий харажатлар	Меҳнат ҳақи харажатлари	Амортизация харажатлари	Бошқа харажатлар	Жами харажатлар
Ишлаб чиқариш жараёни	782 666	85 918	72 121	20 864	961 569
Ошхона жихозлари ишлаб чиқариш цехи	370 844	46 659	32 481	8 559	458 543
Музлатгич ишлаб чиқариш цехи	269 391	28 238	31 993	7 304	336 926
Мебел ишлаб чиқариш цехи	142 431	11 021	7 647	5 001	166 100
Қурилиш жараёни	1 695 621	1 031 856	0	112 500	2 839 977
Яшил майдон объектларини қуриш ишлари	1 284 380	782 110		79 623	2 146 113
Мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ишлари	411 241	249 746		32 877	693 864

Юқорида келтирилган корхона маълумотлардан қўриш мумкинки, корхонада учта ишлаб чиқариш цехлари мавжуд бўлиб, ушбу цехларда турли хил тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, корхона октябрь ойида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бир қаторда капитал қурилиш ишларини ҳам амалга оширган бўлиб, бунда бир вақтнинг ўзида, иккита объектлар бўйича қурилиш ишлари олиб борилган. Тайёр маҳсулотлар ҳамда қурилиш объектлари бўйича бевосита харажатлар амалга оширилган бўлиб, ушбу харажатларнинг таъсирини юқорида келтирилган жадвал маълумотлари орқали батафсил таҳлил қилиш мумкин.

Мазкур ҳисобот ойида корхонада бевосита харажатлар билан бир қаторда яна бошқа кўринишдаги умумишлаб чиқариш харажатлари амалга оширилган. Биз, ушбу тадқиқот ишимизда, умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқариш цехлари ҳамда қурилиш объектлари бўйича тақсимлашга оид тавсиялар ишлаб чиқдик.

Тадқиқотлар давомида, биз томонимиздан тавсия этилган умумишлаб чиқариш харажатларининг ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш жараёнлари бўйича дастлабки тақсимлаш усулини қуйидаги жадвал орқали очиб берамиз (6-жадвал):

6-жадвал

“Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖда октябрь ойида амалга оширилган умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқариш ҳамда қурилган жараёнлари бўйича дастлабки тақсимлаш усулига оид тавсиялар²

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар	Режали баҳоси		Умумишлаб чиқариш харажатлари				
	Минг сўмда	Фондизда	Амортизация харажатлари	Меҳнат ҳақи харажатлари	Коммунал харажатлари	Бошқа харажатлар	Жами харажатлар

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Жами ишлаб чиқариш ва қурилиш жараёнлари	5 980 639	100	84 540	32 088	38 616	23 000	178 244
Ишлаб чиқариш жараёнлари	980 639	16,4	13 865	5 262	6 333	3 772	29 232
Ошхона жиҳозлари ишлаб чиқариш цехи маҳсулотлари	446 802	7,5	6 341	2 406	2 896	1 725	13 368
Музлатгич ишлаб чиқариш цехи маҳсулотлари	409 958	6,8	5 749	2 182	2 626	1 564	12 121
Мебел ишлаб ичиқариш цехи маҳсулотлари	123 879	2,1	1 775	674	811	483	3 743
Қурилиш жараёнлари	5 000 000	83,6	70 675	26 826	32 283	19 228	149 012
Яшил майдон объектлари	3 396 640	56,8	48 019	18 226	21 934	13 064	101 243
Мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ишлари	1 603 360	26,8	22 657	8 600	10 349	6 164	47 769

Биз томонимиздан тавсия этилган ушбу усул орқали қўриш мумкинки, умумишлаб чиқариш харажатларини дастлабки тақсимлашда корхонада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархига олиб борилмай, балки ишлаб чиқариш цехлари бўйича тақсимланган. Худди шундай, қурилиш жараёнлари амалга оширилаётган объектларининг бошланғич қийматига эмас, балки қурилиш жараёнларининг режали баҳоси бўйича тақсимланган.

Тадқиқот ишимизда келтирилган юқоридаги капитал инвестицияларга оид ҳисоб-китоблар бўйича корхоналар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги бухгалтерия проводкалари амалга оширилган:

1. Амортизация харажатлари бўйича:

Дебет 0812 “Яшил майдон объектларига киритилган капитал инвестициялар” 48 019 000 сўм
Кредит 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар” 48 019 000 сўм

Дебет 0814 “Мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилишга киритилган капитал инвестициялар”...22 657 000 сўм
Кредит 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар” 22 657 000 сўм

2. Меҳнат ҳақи харажатлари бўйича:

Дебет 0812 “Яшил майдон объектларига киритилган капитал инвестициялар” 18 226 000 сўм

Кредит 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар” 18 226 000 сўм

Дебет 0814 “Мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилишга киритилган капитал инвестициялар”.... 8 600 000 сўм

Кредит 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар” 8 600 000 сўм

3. Коммунал харажатлари бўйича:

Дебет 0812 “Яшил майдон объектларига киритилган капитал инвестициялар” 21 934 000 сўм

Кредит 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар” 21 934 000 сўм

Дебет 0814 “Мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилишга киритилган капитал инвестициялар”...10 349 000 сўм

Кредит 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар” 10 349 000 сўм

4. Бошқа умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича:

Дебет 0812 “Яшил майдон объектларига киритилган капитал инвестициялар” 13 064 000 сўм

Кредит 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар” 13 064 000 сўм

Дебет 0814 “Мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилишга киритилган капитал инвестициялар”.... 6 164 000 сўм

Кредит 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар” 6 164 000 сўм

Амалдаги 21-сон БХМСда капитал инвестициялар ва умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг бир-бири билан корреспонденцияловчи бухгалтерия ёзуви кўзда тутилмаган. Бизнинг фикримизча, тадқиқот ишимизда ишлаб чиқилган юқоридаги бухгалтерия ёзувлари мамлакатимизда ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисобига доир норматив-ҳукукий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга муайян даражада хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Корхонада умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш жараёнлари бўйича дастлабки тақсимлаш натижасида корхонада қуйидаги ҳолат юзага келган (7-жадвал):

7-жадвал

**“Сатурн Метал Қайта Ишлаш” МЧЖда октябрь ойида амалга оширилган
умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқариш ҳамда қурилган жараёнлари
бўйича дастлабки тақсимлаш натижаси¹**

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар	Бевосита харажатлар	Билвосита харажатлар	Жами харажатлар
Жами ишлаб чиқариш ва қурилиш жараёнлари	3 801 546	178 244	3 979 790
Ишлаб чиқариш жараёнлари	961 569	29 232	990 801
Ошхона жиҳозлари ишлаб чиқариш цехи маҳсулотлари	458 543	13 368	471 911
Музлатгич ишлаб чиқариш цехи маҳсулотлари	336 926	12 121	349 047
Мебел ишлаб чиқариш цехи маҳсулотлари	166 100	3 743	169 843
Қурилиш жараёнлари	2 839 977	149 012	2 988 989
Яшил майдон объектлари	2 146 113	101 243	2 247 356
Мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ишлари	693 864	47 769	741 633

Жадвал маълумотларидан корхонада ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш жараёнлари бўйича амалга оширилган жами харажатлар, хоссатан ушбу жараёнларга таъсир қиладиган бевосита ва билвосита харажатларни кўриш мумкин. Корхонада қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар натижасида барпо этилаётган “Яшил майдон объектлари”нинг бошланғич қийматига умумишлаб чиқариш харажатлари салмоқли таъсир этиб, объектнинг қийматини 101,243 миллион сўмга оширган.

Демак, корхонада қурилиш жараёнлари бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар ҳисобини тўғри юритиш ҳамда ушбу жараёнда барпо этилган қурилиш объектларининг бошланғич қийматини аниқлаш қуйидаги формулалар орқали топилади:

Қурилиш жараёнлари бўйича амалга оширилган капитал инвестициялар бошланғич қиймати = Қурилиш бўйича бевосита харажатлар + Қурилиш бўйича билвосита харажатлар (1)²

Қурилиш бўйича бевосита харажатлар = Қурилиш бўйича бевосита моддий харажатлар + Қурилиш бўйича бевосита меҳнат ҳақи харажатлари + Қурилиш бўйича бевосита бошқа харажатлар (2)³

Қурилиш бўйича билвосита харажатлар = Билвосита харажатлар / (Ишлаб чиқариш жараёнлари режали баҳоси + Қурилиш жараёнлари режали баҳоси) x Қурилиш жараёнлари режали баҳоси (3)⁴

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу формулалар умумишлаб чиқариш харажатларини қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган капитал инвестицияларга билвосита усулда тақсимлашга қўмаклашади. Натижада эса, корхоналарда капитал инвестициялар ҳисобини тўғри юритишга, баҳолашга ҳамда уларнинг қийматини молиявий ҳисоботда реал акс эттиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

³ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

⁴ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича тақсимланган харажатлар эса, иккинчи босқичда яна қайта тақсимланади, яъни ҳар бир цехда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархига уларнинг ҳақиқий таннархи бўйича қайта тақсимланади ва тайёр маҳсулотлар таннархига олиб борилади.

Тадқиқот ишимизда, биз томонимиздан тавсия этилган юқоридаги ҳисоб-китоблар бўйича корхоналар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда бухгалтерия проводкалари амалга оширилади:

Дебет	0812	“Яшил майдон объектларига киритилган капитал инвестициялар”	101 243 000 сўм
Кредит	2510	“Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар”	101 243 000 сўм

Дебет	0814	“Мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилишга киритилган капитал инвестициялар”	47 769 000 сўм
Кредит	2510	“Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар”	47 769 000 сўм

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида юқорида тадқиқ қилинган йўналиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси асосида айтиш жоизки, бугунги ҳисоб олдида шундай муаммо борки, умумишлаб чиқариш харажатларини корхона объектларига тақсимлашнинг оптимал усулини танлаш масаласи кўндаланг ётибди. Чунки, умумишлаб чиқариш харажатларини бевосита харажатлар бўйича, сарфланган материаллар қиймати бўйича, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳажми бўйича, ишлаб чиқаришнинг жараёнларининг режали таннархи бўйича, ишлаб чиқариш бўлимларидан олинган даромадлар бўйича, ишлаб чиқариш, қурилиш ва бошқа жараёнларда банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи бўйича, асосий воситалар амортизацияси бўйича, асосий воситалар ижара тўлови бўйича ва бошқа кўрсаткичлар бўйича тақсимлаш усуллари мавжуд бўлиб, ушбу усуллар корхоналар фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда объектлар таннархига турли хил таъсир кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, корхонада амалга оширилган билвосита харажатларни бугунги кунда корхоналар томонидан қўлланилиб келинаётган тақсимлаш усулларида бирини қўллаш орқали, яъни умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархига тўғридан-тўғри олиб бориш эмас, балки биринчи босқичда, ушбу даврда амалга оширилган ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш жараёнларининг **режали баҳоси** бўйича дастлабки тақсимлаш, бундан кейин эса, иккинчи босқичда ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш жараёнлари бўйича тақсимланган харажатларни ушбу объектларда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархига ҳамда қурилиш жараёнида бўлган биноларнинг бошланғич қийматига уларнинг **ҳақиқий таннархлари** орқали қайта тақсимлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур тадқиқот йўналиши бўйича биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу тавсияларимиз корхоналарда умумишлаб чиқариш харажатларини қурилиш жараёнларига ва ушбу жараёнларда барпо этилаётган ҳар бир объектнинг бошланғич қийматига тўғри тақсимлашга, натижада бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда қурилиш ишлари бўйича капитал инвестицияларга оид ахборотларни ҳаққоний акс эттиришга хизмат қилади. Қолаверса, корхонада умумишлаб чиқариш харажатларини нафақат ишлаб чиқариш жараёнларига, балки қурилиш жараёнларига ҳам олиб бориш корхоналарда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархининг пасайишига олиб келиб, корхонанинг молиявий натижалар бўйича кўрсаткичларининг яхшиланишига, хоссатан корхона фойдасининг ошиб кетишига сабаб бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2023 йил 23 ноябрь. ПҚ-199.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2020 йил 27 ноябрь. ПҚ-6119.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. 2022 йил 20 апрель. 200-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиш тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. 2003 йил 16 сентябрь. 401-сон.
5. 23-сон БҲМС “Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш” // АВ томонидан 01.08.2024 й. 3540-сон билан рўйхатга олинган.
6. 16-сон БҲХС “Асосий воситалар”. 40-сон БҲХС “Инвестициявий кўчмас мулки”.
7. 38-сон “Номоддий активлар” БҲХС
8. 40-сон “Инвестициявий кўчмас мулки” БҲХС
9. 41-сон “Биологик активлар” БҲХС
10. Боронов Б.Ф. Ёғ-мой маҳсулотлари ҳисоби методологиясини такомиллаштириш. –Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2023, 244 б.
11. Ташназарова Д.С. Корхоналарда маҳсулот таннархи ҳисобини такомиллаштириш. –Т.: ТДИУ, иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2023, 129 б.